ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 64-КУН

9 (339)

2003 йил 5 март

ЧОРШАНБА

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

саҳифада

2 — * Юртимизда спортчи оилалар кўпаядиган бўлди.
* Гултепа - гулзор маҳалла.

3 — * Никоҳ - ихтиёрий иттифоқ бўлиши шарт.
* F.Буломнинг шогирдига «омонати».

4 — * Гумон қўшниларни бир-биридан айирди...
*Миллий либос кийсангиз-чи, келинпошша?!

СЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Президенти Рудолф Шустер 2003 йил 6-7 март кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Қашқадарё вилояти

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Вилоят марказида ҳунармандчиликнинг ўзига хос мактабини яратган Гулчеҳра Пиримқулова "Энг яхши ҳунарманд", ҳамда "Маҳалла ободлигига ҳисса қўшган тадбиркор" сифатида тан олинди ва мукофотланди.

Қашқадарёда бу йилги "Ташаббус-2003" кўрик-танлови ҳар қачонгидан ҳам қизғин беллашувлар остида ўтди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган 500 дан ортиқ ҳунармандлар, фермерлар, тадбиркорлар иштирок этиб, ўз маҳорат ва маҳсулотларини намойиш этдилар.

Вилоят ҳокими Н.Зайниев кўрик-танловни очар экан, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида қилинадиган ишлар, Президент совринлари учун ўтказилаётган бу ташаббуснинг аҳамияти ҳақида гапириб, ишбилармонларнинг иш шароитлари, мавжуд муаммолари, режалари билан қизиқди.

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди. Ўз маҳсулотлари билан нафақат республикада, балки чет элда ҳам танилган шаҳрисабзлик каштадўз Гулнора Одилова "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича биринчи, Гулчеҳра Пиримқулова иккинчи ўринни қўлга киритишди. Фермерлар ўртасида Нишон туманидаги "Хўжаёр ота" фермер хўжалигининг раиси Тўра Раҳмонов, тадбиркорлар ўртасида Италия технологияси асосида Қоракўл терини қайта ишлаш, бўяш ва эскпортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Қамашидаги "Баҳраманд" хусусий корхонасининг раҳбари Олим Чўлиевлар ғолиб деб топилдилар.

Республика кўрик-танловига йўлланма олган ишбилармонлар қашқадарёлик тадбиркорлар шарафини ҳимоя қиладилар.

Ўз мухбиримиз

8 март–Халқаро хотин-қизлар куни

Гулчеҳра опа Пиримқулова асли халқимизга хос бўлган ҳунармандчиликни эъзозлаб келаётган аёл. У нафақат аёлларимиз учун шаклдор буюмлар тайёрлаш, балки касб сир-асрорини юртдошларга ўргатиш борасидаги тажрибаси билан ҳам эл ҳурматини қозонган. Унинг кичик корхоналарида иш ўрганган қизларимизни бугун юртимизнинг турли жойларида учратиш мумкин.

Гулчеҳра опа Қарши шаҳридаги ўзи яшаётган маҳаллада кўп йиллар фуқаролар йиғини раиси бўлиб фаолият кўрсатди. Унинг меҳнатлари Президентимиз Фармони билан муносиб тақдирланган.

Аёл маҳалла фидойиси

Жонжангалнинг жонкуяр Жамиласи

Термиз шаҳрида маҳалла фуқаролари йиғини раислари ҳақида гап кетганда Жамила Қосимова номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. У амалга ошираётган хайрли ишлар кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатилади.

Бу бежиз эмас. Негаки Жамилахон одамлар дарди-ғами билан яшайди, янгилик яратишга, мушкул юмушларни осон қилишга интилади. Шу боисдан ҳам у фуқаролар йиғинига раис этиб сайланган 1996 йилдан буён Жонжангал маҳалласига файз кирди, барака ёғилди, чирой очди, қисқаси туб ўзгаришлар юз берди. Муҳими, ҳаммаёқ тоза-озода, супурилган, ораста, хиёбонлар гулзорга бурканган.

Жонжангалликлар опахони саранжон, саришталикка эришдик, деб қўл қовуштириб турмайди. Ободончиликка қаратилган тадбирларни тез-тез ўтказиб туради. Бу ишга нафақат фуқаролар, балки ташкилот, корхоналар жамоаларини ҳам кенг жалб қилади. Мавжуд техника ва механизмлари кучидан фойдаланади.

Ўлкамизда баҳор сеп ёйди. Наврўзи олам эшик қоқмоқда. Жонжангал маҳалласида эса унга пухта тайёргарлик кўриляпти. Яқинда маҳаллада ўтказилган оммавий ҳашар Наврўзга бағишланди. 500 га яқин фуқаро шанбаликда фаол қатнашди. Ҳар бир кўчадан икки хонадонга дошқозонлар ўрнатилди. Уларда Наврўзнинг тансиқ таоми - сумалак тайёрланади. Ҳозиргача маҳалла ҳудудида 1250 туп дарахт, 800 туп гул кўчатлари экилди.Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги шу тариқа бошланди. Иш бошида эса раиса Ж.Қосимова турди.

Шу ўринда яна бир гап. Жамилахоннинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли фуқароларга яна бир қулайлик яратилди. "Қизил ярим Ой" жамияти вилоят бўлимининг ҳомийлигида маҳаллада "Ижтимоий тиббий Марказ" фаолият кўрсата бошлади. Қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар унинг хизматидан бепул фойдаланишяпти.

Валентина Петрова, Майсара Эрниёзова каби тиббиёт ходимлари хаста дилларга малҳам бўлмоқдалар. "Қизил ярим Ой" жамияти беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун "Ижтимоий тиббий Марказ"ни 4,5 миллион сўмлик дори-дармон, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлади. Бу ердан беминнат ёрдам олаётган маҳалла фуқаролари ўз раислари Ж.Қосимовага миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Диққат: Мусобақалар бошланмоқда!

ОИЛАВИЙ СПОРТ - ФАРЗАНДЛАР СОҒЛОМЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси , Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилада жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, шунингдек, маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида қўшма қарор қабул қилинди.

Мусобақаларни ўтказишда юртимиздаги спорт федерациялари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзтелерадио» компанияси, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўзаро ҳамкорлик қилишга келишдилар.

«Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги Низом билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишинг.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Беруний номли маҳалласида Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубий маркази ташаббуси билан "Элда эъзоз топганлар" номли анжуман бўлиб ўтди. Унда маҳалланинг Самуғжон Ғофуржонов, Миркомил Мирсодиқов, Ваҳоб Раҳимов, Самуғ Манноповлар оиласи эъзозланди.

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАНЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

- Аввало, бу оилалар эл эъзозига эришган оилалар, - дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ва мазкур маҳалла йиғини раиси С.Обидов. - Бугун эса шу эъзознинг эътирофи маҳалла аҳли томонидан изҳор этилаяпти.

Шу куни эъзозланган оила соҳибларига эсдалик совғалари ҳам топширилди, эл севган санъаткорлар ижросида мусиқий дастур тақдим этилди.

Мухбиримиз

"Ободнома" чорлови

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан Юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги бошланди.

МАҲАЛЛАДОШЛАРГА

Отанг марддир, бобонг марддир, маҳалладош,
Улар шаънин оқлаш шартдир, маҳалладош.
Сен ҳам мардча иш юритгил, қадринг билгил,
Дангасалик бизга ётдир, маҳалладош!

Кўклам кулган шу паллада, маҳалладош,
Ҳашар қизғин маҳаллада, маҳалладош.
Мард бўлсанг чиқ маҳаллага, шу паллада,
Юраверма чет-панада, маҳалладош!

Маҳалламиз боғ бўладир, маҳалладош,
Диллар доим чоғ бўладир, маҳалладош.
Ҳақ гап шу: боғи борнинг, дили чоғнинг,
Тўрт мучали соғ бўладир, маҳалладош!

Дил ободдир, тилинг обод, маҳалладош,
Тилинг обод - феълинг обод, маҳалладош.
Феъллар обод бўлса мудом, ошир илҳом,
Маҳаллангу элинг обод, маҳалладош!

Кўз тегмасин йилимизга, маҳалладош,
Омад берсин элимизга, маҳалладош.
Тошиб-Тўлан, шиддат билан ёзди ўлан,
Мадад тилаб белимизга, маҳалладош!

Тўлан ТАБАССУМ,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани
Табассум маҳалласи оқсоқоли.

Республика илмий-амалий семинари

МАҲАЛЛА - ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАНБАИ

Босқичма-босқич фуқаролик жамиятига ўтишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ундан амалий ишда самарали фойдаланиш кўпгина муаммолар ечимига йўл топиш имконини бермоқда.

Ана шу тамойил билан ҳисоблашилаётган жойда ижобий силжишга эришилаётир. Демак, ҳозирги пайтда жамоатчилик фикрини, маънавий эҳтиёжи, талабини ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, республика Олий Мажлиси демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" маркази ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил этган "Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари" мавзуидаги республика илмий-амалий семинари ана шу масалага бағишланди.

Ўз мухбиримиз

ТЎЙ ТАВСИЯ АСОСИДА ЎТДИ

Жиззах тумани Қўшбармоқ қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси Муҳаббат Муродова билан қишлоқларни ойланар эканмиз, ҳамюртларимизнинг ҳаётига ҳавас қилдик. Айниқса ҳовлиларни супураётган, ўтган кетганларга ибо билан салом бераётган келинчак диққатимизни тортди.

- Яқинда келин бўлиб тушди. Тўй жуда ибратли бўлди. "Mahalla" газетасида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши, Республика хотин-қизлар қўмитаси тавсияларига биноан ўтказилди, - деб изоҳ берди котиба.

Ҳа, бу тавсиялар фуқаролар йиғини жамоаси, унга қарашли ҳудудларда катта қониқиш билан қутиб олинди. Биз уни жамоат жойларида, йўловчилар сўзида, ўтказилаётган тадбирларда, тўю маъракаларда эшитдик. Мана шу тавсиялар асосида режалар тузилиб, амалга ошириш учун масъул кишилар белгиланмоқда.

- Фуқаролар йиғини жамоаси ўтган йили ва жорий йилда 50 дан ошиқ тўю маъракаларнинг ўтишига бошқош бўлди, - деб сўзини давом эттирди Муҳаббат Муродова. - Айниқса тавсияларни уйма-уй кириб тушунтирдик. Ҳаётимизга ёт бўлган, ортиқча харажатли, умуман тарбиявий аҳамияти йўқ маросимлардан қанчалик эрта қутулсак, шунча яхши бўлишини уқтирдик.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

"Mahalla" ДЎРМОНДА

Газета таҳририяти ходимлари Тошкент вилояти Қибрай тумани А.Матқобулов номли қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Дўрмон ва Нурафшон маҳаллаларидаги муштарийлари таклифи билан улар ҳузурида бўлдилар.

Учрашувда Обод маҳалла йилида маҳалла ҳаётининг кўзгуси саналган нашрнинг режалари ҳақида мулоҳазалар айтилди. Муштарийлар Васила Маҳмудова, Муқаддас Ҳасанова, Рихситилла Гулматов, Нафиса Султонова, Ботир Досболаевлар газетанинг ушбу йилги режаларига ўз мулоҳазаларини айтишди.

Мухбиримиз

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Қутлов! *Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси мамлакатимиз хотин-қизларини халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади.*

Хоразм вилояти

ҚИШЛОҚДА БОЛАЛАР СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

"Хива сополи" ҳиссадорлик жамияти раиси Шоназар ака Аҳмедов ишда тадбиркор ва изланувчан раҳбар бўлса, маҳаллада баҳри кенг, сахий ва тартибсевар фаол - кўчабоши. 50 га яқин хонадон унинг оталиғида. Ўтган йили у ана шу хўжаликларга табиий газ келтирди. Йўлга асфальт ётқизилди. Уйларни оқлаш, йўл бўйларига турли мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтказишга бошқош бўлди.

Кўчада эрта тонгданоқ, келинлар, қиз-жувонлар эшик олдиларини супуришга тушишади. Баъзан бу қоидага амал қилмаганларга танбеҳ бериб туради. Бошқалардан ибрат олишга чақиради.

Яқинда Ш.Аҳмедов яна бир хайрли ишга қўл урди. Қишлоқда болалар спорт майдончаси қурилишини ўз зиммасига олди. Айни пайтда ўйингоҳда иш қизғин.

- Қишлоғимизда Ш.Аҳмедовдек саховатпеша инсонлар туфайли битта марказий стадион, иккита болалар ўйингоҳи, тикувчилик, гиламчилик цехлари, бир қатор аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қ.Отабоев. - Айни пайтда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларига қизғин тайёргарлик кўраяпмиз. Чунки, "Энг обод маҳалла" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Қ.МУЛЛАЕВ.

Наманган вилояти

БИЗДАН ЎРНАК ОЛМОҚДАЛАР

Бизнинг Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғинида 15820 аҳоли яшайди, 7 та маҳалла мавжуд. Аҳолига 5 та мактаб, қишлоқ врачлик пункти, бир неча савдо дўконлари, тегирмонлар, сартарошхона хизмат қилади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдужалил Эгамов "Мошчал" ширкат хўжалити бошқарув раиси Х.Содиқов ҳамкорликда қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини ошириш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Ҳар икки раҳбар ҳам маҳалла йиғинлари раисларига амалий ёрдам бермоқдалар. Аҳолини уй-жой, ичимлик суви, газ билан таъминлаш ва бошқа маиший эҳтиёжларини қондириш учун бош-қош бўлмоқдалар. Шу сабабли кўчалар гулзорларга айлантирилмоқда, ободончиликка эътибор қаратилмоқда. Маҳаллаларда милиция таянч пунктлари нозирлари маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда тартиб-интизом ўрнатиб, жиноятчиликнинг олди олинмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан ўтган йили 198 нафар қария, кам таъминланган кишиларга 50 кг дан буғдой, 20 та ётиб қолган беморларга 5 кг гуруч, 50 кг дан буғдой, 1 қопдан сабзи-пиёз, 29 та иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига байрамларда совға-салом улашилди. Аҳоли билан ишлашда маҳалла оқсоқолларимиздан Шоғафур Шоисаев, Азимжон Салоҳиддинов, Ўктамали Имомалиевлар барчага ўрнак бўлиб ишламоқдалар. Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини туманида намунали ишлаётгани учун қишлоғимизга соҳа ходимлари учун тез-тез семинарлар ўтказилиб, ишларимиз оммалаштирилмоқда.

Ҳозир қишлоқ фуқаролар йиғини раиси раҳбарлигида барча маҳалла йиғинлари раислари аниқ режа билан иш ташкил этиб аҳолининг тинч осойишта, фаровон яшаши, ширкат хўжалиги ишларига амалий ёрдам бериш учун интилмоқдалар.

Иномжон ШАҲОБИДДИНОВ,
меҳнат фахрийси.
Поп тумани Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини.

«Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

Спорт мусобақаларини ўтказадиган ташкилотлар

Ҳар бир оилада жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш оилавий мусобақаларнинг асосий мақсадидир.

Маҳаллаларда «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, спорт федерациялари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзтелерадио» компанияси, «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилади ва ўтказилади.

I. Мақсад ва вазифалар

«Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларини маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот қилиш ва янада ривожлантиришдан кўзда тутилган асосий мақсади қуйидагилардан иборатдир:

- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оилаларнинг кундалик турмуш тарзига сингдириш;
- оила аъзоларининг жисмонан баркамол, бақувват ва соғлом бўлишига, чиниқишига, умумий иш қобилиятининг ўсишига ёрдам бериш;
- оила аъзоларини турли ўйинлар ва жисмоний машқларга қизиқтириш, эрталабки бадан тарбия машқига риоя қилинишига кўниктириш;
- оила аъзоларида ҳаракатли ўйинларни мустақил ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур билим ва малакалар ҳосил қилиш;
- маҳаллаларда Оила спорт марказлари ва уларнинг шўъбалари (*секциялари*) клубларини ташкил этиш;
- маҳаллаларда ёш оилаларни Оила спорт марказларига жалб қилиш ва улар билан соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларини кўриб чиқиш;
- маҳаллалардаги оилалар орасидан спорт билан мунтазам шуғулланаётган оилаларни аниқлаб, улар ўртасида мусобақалар ўтказиш ҳамда радио ва телевидение орқали тарғибот этиш орқали бошқа оилаларнинг ҳам фаол иштирокига эришиш;

II. Маҳаллаларда мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби

Маҳаллалардаги бир ва ундан ортиқ фарзандлари бўлиб, спортнинг бир неча турларидан (*футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика, сузиш, бадиий гимнастика ва ҳоказо*) хабардор бўлган соғлом ота ва оналар 14 ёшгача бўлган фарзандлари билан оилавий спорт мусобақаларида иштирок этадилар.

Мусобақанинг 1-босқичи маҳаллаларда (*маҳалла биринчилиги учун*) маҳалла раиси (*оқсоқоллари*), шифокорлари, профилактика инспекторлари, педагог-тарбиячилар, хотин-қизлар комиссияси, мактаб маъмурияти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман мутахассиси ҳамда халқ таълими мураббийларидан иборат Ташкилий қўмита томонидан ташкил этилади. Маҳаллаларда мавжуд оилавий спорт жамоалари ўртасида мусобақалар ўтказилиб, туман (*шаҳар*) миқёсидаги маҳаллалараро ўтказиладиган II-босқичга номзодлар аниқланади.

I-босқич мусобақаларининг сарф-харажатлари юқорида қайд этилган Ташкилий қўмиталар ҳамда хомийлар томонидан ташкиллаштирилади.

II-босқичи мусобақаларини туман (*шаҳар*)ларда маҳаллалараро, туман, шаҳар биринчилиги учун туман (*шаҳар*)лардаги Ташкилий қўмиталар раҳбарлигида ташкил қилиниб, ўтказилади ва бунда ҚҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида ўтказиладиган III-босқичга номзодлар аниқланади.

II-босқич сарф-харажатлари ушбу Ташкилий қўмиталар ва хомийлар томонидан ташкиллаштирилади.

III-босқич мусобақалари туман (*шаҳар*)лараро ҚҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳар биринчилиги учун Ташкилий қўмита раҳбарлигида ташкил қилиниб, ўтказилади ва Республика миқёсида ўтказиладиган IV-босқичга номзод оилалар аниқланади.

III-босқич мусобақаларини ўтказиш ва IV-босқичда иштирок этиш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ушбу Ташкилий қўмита, хокимиятлар ҳамда хомийлар томонидан қопланади (*йўл харажатлари, кийим-кечаклар, тўплар, спорт анжомлари ва б.*).

IV-босқич мусобақалари Республика миқёсида (*ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиблари ўртасида*) Республика Ташкилий қўмитаси раҳбарлигида ташкил қилинади ва ўтказилади.

IV-босқич сарф-харажатлари (*овқатланиш, ётоқхона, шаҳар ичидаги транспорт, диплом, медал, совғалар*) Республика Ташкилий қўмитаси ва хомийлар ҳисобидан қопланади.

Мусобақаларни ўтказиш IV-босқич бўйича Республика Ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъатига юклатилади.

III. Мусобақада қатнашиш шартлари ва ҳаракатли ўйинлар тартиби

Маҳалладаги спорт мусобақаларида ота-она ва 14 ёшдан катта бўлмаган камида иккита болалари (қиз, ўғил ёки иккита қиз, иккита ўғил ва ундан ортиқ) бўлган оилалар қатнашадилар.

Оила жамоаларига бўлган талаб:

- **Мусобақанинг барча босқичларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган маълумот (*Маҳалла раиси томонидан тасдиқланган оила маълумотномаси, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома*);**
- **Мусобақада қатнашиш учун ҳар бир қатнашадиган оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида маълумот (*Маҳалла раиси ва шифокор томонидан тасдиқланади*);**
- **Мусобақаларда қатнашаётган оила жамоалари спорт кийимлари бир хил рангда бўлиши ёки хомийлар рекламаси билан ёритилган спорт кийимларида қатнашиш ҳуқуқига эга;**

Мусобақаларда ҳаракатли ўйинлар тартиби ва уларнинг бажарилиши:

1. Тўсиқлар ошиш эстафетаси.

Оила жамоаси 4 ёки 5 киши.

Ўйин шарти:

Спорт чизиғидан югуриш бошланади. Эни 1,5 м, узунлиги 10 м бўлган коридордан югуриб ўтиб тўсиқдан сакраб ўтади, иккита гимнастик тўшакдан ошиб, тўсиқларни хаккалаб айланиб ўтади ва кубик олдига бориб теннис коптогини нишонга 3 маротаба отади (*очко тўплайди*). Сўнг «уй»га тезлик билан қайтади.

Мақсад: тезликни, чаққонликни, аниқликни кўрсатиш.

Ғолиб жамоани аниқлаш:

Эстафетани қисқа вақт ичида хатосиз ўтиб, нишонга кўпроқ очко жамлаган жамоа ғолиб ҳисобланади.

2. Ким чаққон ва мерган.

Оила жамоаси таркиби 4 киши.

Ўйин шарти:

Жамоа аъзолари биттадан қоп ичига тушиб биринчи рақамли маррагача қоп ичида сакраб боради. Қоп-дан чиқиб, баскетбол тўпини олиб байроқчали барьерлар орасидан тўп билан ўтиб боришади. Иккинчи рақамли маррага келганда тўпни турган жойидан саватга ташлаш керак. Тўпни саватга тушгунча отади. Саватга туширгандан кейин «уй»га қайтади, тўпни олиб юриш қоидасини бузмаслик керак. Сўнг кейинги иштирокчи давом эттиради.

Мақсад: ҳар бир томон қисқа вақт ичида байроқчаларни йиқитмай кам уринишда тўпни саватга ташлаши керак.

Ғолиб жамоаларни аниқлаш:

Эстафетани тўғри, қисқа вақт ичида хатосиз, саватга тўп тушириш уриниши кам бўлган жамоа ўйинда ғолиб ҳисобланади.

3. Моҳир ҳужумчи (форвард).

Оила жамоаси таркиби ота-она ва 2 ёки 3 фарзанд.

Ҳар бир жамоадан бир иштирокчи 0,6 х 1 м ўлчамдаги дарвозага футбол тўпини ўнг оёғида 5 маротаба ва чап оёғида 5 маротаба 10 метрли масофадан киргазиш.

Мақсад: дарвозаларга тўпни аниқ ва тез киритиш (*қисқа вақт ичида, энг кам маротаба зарба ишлатиб*).

Ғолиб жамоаларни аниқлаш:

Оила жамоаси умум ҳисобда киритган тўплари сони бир хил (*4 иштирокчи учун — 40 та тўп, 5 иштирокчи учун — 50 та тўп киргазиш керак*).

Шу ҳисобдаги тўпларни киргазишда жамоа иложи борича кам вақт ва кам зарба ишлатиши керак.

4. Арқон тортиш.

Оила жамоаси таркиби она, ота, ўғил, қиз.

Ўйиннинг бориши: майдон марказидаги чизиқ устида арқон (*канатнинг*) ўртаси белгилаб қўйилади. Майдон марказидаги чизиқдан ҳар бир томонга 2 м масофада чизиқ чизилади.

Мақсад: ҳар бир томон ўз томонига арқонни куч билан тортиб олиш.

Ғолиб жамоани аниқлаш:

Майдон марказидаги чизиқдан 2 м. масофадаги чизиқгача арқонни белгиланган қисмини ўтказиб олиш.

5. Овчилар ўйини

Жамоа 4 кишидан иборат.

Ўйин шарти:

а) рақиб жамоа ўртада 2 м-ли сектор ичида;

б) рақиб жамоа майдон четидан туриб ўртадаги рақибларни 2 та волейбол тўпи ёрдамида отиб текказиб тез ва қисқа вақт ичида овлаш.

Мақсад: жамоалар мерганлиги ва тезкорлигини аниқлаш.

Ғолиб жамоани аниқлаш:

Рақиб жамоаси иштирокчиларини қисқа вақт ичида тўп билан нишонга олган жамоа ғолиб ҳисобланади.

6. Кегли ўйини.

Оила жамоаси 4 ёки 5 киши.

Ўйин шарти:

10 м. масофада турган кегли хайкалчалари (*10та*)ни нишонга олиш. Тўпни думалатиб улоқтириш. Жамоа аъзолари ўз галларида 2 маротаба уринишда доначаларни йиқитиши керак.

Икки уринишда ҳамма доначаларни йиқитган иштирокчига яна бир маротаба уринишга имкон берилади.

Мақсад: жамоа аъзоларини мерганлигини аниқлаш.

Ғолиб жамоасини аниқлаш:

Йиқилган доначалар сони қайси жамоада кўп бўлса, шу жамоа ғолиб ҳисобланади.

7. Бадминтон ўйинида куч синашиш.

8. Ким чаққон эстафетаси.

Оила жамоаси 4 ёки 5 киши.

Ўйин шарти:

Биринчи 10-12 метрли маррани арқонда сакраган ҳолда ўтилади, гимнастика скамейкасини ҳар бир томонга 3 маротаба сакраб ўтиш билан ўтиб, тўсиқ остидан ўтилади ва гимнастика матларида 3 маротаба умбалоқ ошилади. Марра охирида байроқчали-конусни айланиб ўтиб, тезлик билан «уй»га қайтилади. Ҳар бир иштирокчи шу эстафетани тез, чаққонлик билан аниқ бажариши керак.

Мақсад: тезлик, аниқлик ва чаққон жамоани аниқлаш.

Ғолиб жамоани аниқлаш:

Эстафетани аниқ, тез ва хатосиз ўтган жамоа ғолиб ҳисобланади.

9. Жамоалар стол тенниси ўйинида куч синашади.

10. Жамоалар волейбол ўйинида куч синашишади.

11. Жамоа таркиби ота, она, ўғил ва қиз. Ота ва ўғил хажми 0,6 м х 1 м-ли дарвозага тўпни 10-15 метр масофадан 10 маротаба тепиб, тўп уришга харакат қилинади.

Она ва қиз баскетбол саватига жарима тўпини 10 марта отишади.

Ғолиб жамоа: имкониятлардан кўпроқ очко йиғган жамоа ғолиб ҳисобланади.

Ушбу ҳаракатли ўйинлар оила жамоаларига тавсия этилади.

Финал ўйини спорт мусобақаларида ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ғолиб бўлган оила қатнашиш ҳуқуқига эга.

IV. Мусобақаларни ўтказиш вақти ва жойи

I-босқич мусобақалари маҳаллаларда 2003 йил 20-мартигача ўтказилади. Маҳалла раиси, мактаб маъмурияти, оқсоқоллар, шифокор, профилактика инспекторлари, педагог-тарбиячилар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссия раислари, туман спорт қўмитасининг мураббийлари уларга шарт-шароитлар яратиб берадилар.

II-босқич мусобақалари туман ва шаҳарларда 2003 йил 20-майгача ўтказилади. Ташкилий қўмитанинг жойлардаги вакиллари уларга шарт-шароитлар яратиб берадилар.

III-босқич мусобақалари ҚҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳарларида 2003 йил 20- июнигача ўтказилади. Ташкилий қўмитанинг жойлардаги вакиллари уларга шарт-шароит яратиб беради.

IV-босқич Республика миқёсида 2003 йил 20-июль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

2003 йил 19-июль келиш куни.

2003 йил 19-июль соат 15.00 дан 17.00 гача оила жамоаларини рўйхатга олиш;

Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган хакамларни белгилаб олиш ва улар томонидан оила жамоалари ўртасидаги мусобақаларни ўтказиш жадвалини тасдиқлаш. (*Ихтисослашган ҳакамлар*).

Жадвал бўйича мусобақа ўтказиш:

2003 йил 20 июль соат 10.00-10.30 мусобақани тантанали равишда очилиши.

Мусобақа 2003 йил 20-март куни соат 10.30 дан 16.00 гача бўлиб ўтади.

2003 йил 20-март куни соат 18.00 да ғолибларни тақдирлаш ҳамда мусобақанинг тантанали ёпилиши.

V. Мукофотлаш

«Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари ғолиби ва совриндорлари мусобақа Ташкилотчилари ва хомийлар томонидан белгиланган турли даражадаги мукофотлар ва дипломлар ҳамда тегишли қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

VI. Мусобақанинг сарф-харажатлари

Мусобақани ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар (*Диплом, қимматбаҳо совғалар, ҳакамлик хизмати кўрсатувчи ходимлар, ижара, сафар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, яъни яшаш, овқатланиш, йўл харажатлари ва ҳоказолар*) ушбу Низомнинг II-бандига мувофиқ Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган сметага асосан амалга оширилади.

● Обод бўлаётган маҳаллалар

ГУЛТЕПА ГУЛЗОР БЎЛАДИ

Бунга ҳомийлар кўмаги ва ҳашар йўли билан эришилмоқда

—Қумқўрғон туманида 51 та маҳалла, 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, - деди биз билан суҳбатда туман ҳокимининг муовини Жума ака Чоршанбиев - Маҳаллаларнинг 12 таси шаҳар тасарруфида. Уларда Обод маҳалла йили дастури асосида муайян ишлар бошлаб юборилди. Гултепа маҳалла фуқаролар йиғини ана шулардан бири. Нажмиддин Тўраев маҳалла оқсоқоли. Унинг бой тажрибаси ўрганишга, бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга арзийди.

- Бу - маҳалла гузари биноси, - деди Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эргаш Мўминов.ы - Уни фермер Тангир Ҳакимов ўз сармояси ҳисобидан қурдиряпти. Тангир Ҳакимов деганимиз шу маҳалла фуқароси. У 1993 йили фермерчилик ҳаракатига бош қўшган эди. Кам бўлмади. Ўн бош қорамоли юз бошга етди. Маҳалладошларидан ўн беш нафарини иш билан таъминлади. Ўттиз гектар ерда деҳқончилик қиляпти. Ўтган йили ғалла ҳосилдорлиги олтмиш центнердан ошди. Давлатга гўшт, сут сотиш бўйича шартнома режалари икки ҳисса ортиги билан ўринлатилди. Натижа чакки эмас. Қарийб ўн тўққиз миллион сўм соф даромад олди.

У маҳалладаги кам таъминланган оилалардан ўн бештасига ўн минг сўмдан, ўн беш азадор оилага эса йигирма минг сўмдан ёрдам кўрсатди. Ўтган йили Оқсой маҳалласида ошхона, савдо дўкони қурган, фермасида сигирлардан соғиб олинган сутни сотишни йўлга қўйган эди. Икки километрли маҳалла йўлига ётқизилган асфальтнинг пулини ҳам Т.Ҳакимов тўлаганди. Обод маҳалла йилида ҳам у маҳалладошларининг оғирини енгил, мушкулини осон, узоғини яқин қилишга ҳаракат қиляпти. Негаки, маҳалла туман марказидан йигирма километр шимоли-шарқда, Шўрчи туманининг шундоққина биқинида жойлашган. Аҳолига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш корхоналари сув ва ҳаводек зарур.

Маҳалла гузари биноси замонавий типда қуриляпти. Саккиз хона — чойхона, ошхона, сартарошхона, пойабзалларни таъмирлаш, кийимкечак тикиш цехлари, аҳолига кимёвий ўғитлар сотиш дўконига мўлжалланган. Улар Мустақиллик байрамигача ишга туширилади. Ана шу мақсадда маҳалла аҳли ҳам бино қурилишига ёрдам қўлини чўзяпти. Ҳашарлар уюштириб, унинг атрофига кўчатлар ўтказяптилар, ободончилик ишларини бажараяптилар.

Маҳаллада ишсизлар сони камайди. Негаки, Анҳор ҳамда Ибн Сино номли фермер хўжаликлари, "Камаз" кичик корхонасида очилаётган янги-янги цехлар ёшларни ўз қучоғига олмоқда.

Маҳалла йиғинида фуқаролар орасида ташкилий-тарбиявий, оммавий ишлар яхши йўлга қўйилган. Посбон Абдулла Ашуров доим ҳушёр, маҳалланинг ҳар бир фуқаросини яхши таниган, ким нима билан нафас олаётганлигини чуқур ҳис этади. Тарбиячи-педагог Ўткир Нурмонов ҳам ёшлар орасида. Уларнинг бўш вақтлари икки ўйингоҳда ўтаяпти. Гуруҳларга бўлиниб, турли спорт мусобақаларига қатнашишяпти.

Йиғин ҳузурида тузилган комиссияларга ҳам обрўли кишилар бошчилик қилмоқда. Масалан, шифокор Сора Ҳасанова хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг раисаси.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш маҳалла йиғини оқсоқолининг иш мезонига айланган. Ички йўллар равон, аксарият қисмига асфальт босилган. Икки бетида, ариқ ёқаларида дарахт ва гул кўчатлари ўстирилмоқда. Ичимлик суви муаммоси ҳам ҳал этилган. Маҳалла йиғинида қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантиришнинг 2010 йилгача мўжалланган дастурини босқичма-босқич бажарилиши назарда тутилган. Демак, маҳалланинг бундан-да обод, кўркам, гулзор масканга айланишига шубҳа йўқ.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

● Маҳалладан изҳор хати

ОҚСОҚОЛ ИШ БОШЛАСА...

Чирчиқдаги Шодлик маҳалласига Фахриддин Маметов раисликка сайланди-ю, ишлар юришиб кетганини ҳамма ҳис қилди. Айниқса, балоғат ёшидаги болалар билан ишлаш масаласи кун тартибидан мустаҳкам ўрин олгани бизни қувонтирди.

Яқинда маҳалла ва "Камолот" ёшлар маркази ҳамкорлигида ташкил қилинган чақирилиш арафасидаги ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бир ойлиги ўтказилгани шулар жумласидандир. Унда ўсмирлар маҳалла ҳудудида жойлашган қисмда бўлиб, аскарлар ҳаёти, жанговар фаолияти, ҳарбий техника билан яқиндан танишдилар. Суҳбатлар, кечалар ва учрашувларда йигитлик бурчини ўтаётганлар хизмат фаолиятларидан қизиқарли, ибратли воқеаларни гапириб беришди. Қисқа қилиб айтганда, ой давомидаги бундай мулоқотлар ўсмирларда ҳарбий хизматга кўникма ҳосил қилишда жуда асқотди.

"Камолот" ёшлар маркази ила ҳамкорликда кўп болали ва кам таъминланган оилалар, "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари билан қизиқарли учрашув ўтказиб, тадбир сўнгтида уларга совға-саломлар улашдилар.

Ўқувчилар таътилида катта байрам уюштирилди. Унга 114-кўп қаватли уй раиси В.Ершихина, маҳалла педагог-тарбиячиси Ж.Аҳмедова, "Шодлик" ширкати раиси У.Турсунбоевлар бош-қош бўлдилар. Оҳанграбо куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар, спорт ўйинлари - жамоалар ўртасидаги мусобақалар шаклида ўтиб, кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Яна шуни айтишни истардикки, шу пайттача маҳалла ҳудудида газета дўкони мавжуд эмасди. Фуқаролар йиғини раиси Ф.Маметов саъй-ҳаракати билангина бу камчиликка хотима берилди. Шунингдек, маҳалламизда болалар клуби ҳам йўқ эди. Яқинда шаҳар ҳокими фармойиши билан бўш ётган бинолар болалар клублари ва маиший хизмат шохобчалари учун ажратиладиган бўлди. Бундай тадбир болалар бўш пайтларини мароқли ўтказишларига ва маҳаллалар аҳлига қулайлик туғдирди.

"Обод маҳалла йили"нинг ўтган икки ойида маҳалламизни ободонлаштириш ва унинг бошқа эҳтиёжлари учун камарбаста бўлаётган хусусий тадбиркорлар - В.Краснолуцкий, В.Сайнян, "Ксероке" хусусий фирмаси, "Наврўз" чойхонаси раҳбарлари ҳомийлик ҳамда бегараз ёрдамларини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Тошкент шаҳри

Шарқ тонгида тонг тинч ёришади

Чилонзор тумани 20-мавзе Шарқ тонги маҳалласига 16 йилдан буён раислик қилиб келаётган Обид ака Аҳмедовни суҳбатга тортдик. Жумладан у қуйидагиларни гапириб берди:

- Маҳалламиз 1967 йилда ташкил топган. Унда 2000 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ана шулардан 390 та кам таъминланган, 11 нафар ногирон, 4 нафар уруш фахрийси ва бир нафар байналминалчи рўйхатимизда туради. Ҳудудда аниқ режа бўйича канализация, телефон, водопровод, газлаштириш ва йўлларни таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга оширилган. 2 та чойхона, 1 та мактаб, 2 та озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, автосервиз, қандолат цехи, ем сотиш дўкони, боғча, мактаб ва 28-оилавий поликлиника, милиция таянч пункти бинолари маҳалламиз кўрки.

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Фарида Фозилова, тарбиячи-падагогимиз Дилфуза Афзалхонова ҳамда жамоатчилик фаолларимиз билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида «Ўз уйингни - ўзинг асра», «Хотин-қизлар гигиенаси», «Репродуктив саломатлик», «Оғоҳлик давр талаби», «Гиёҳвандлик ва унга қарши кураш» каби турли тадбир ва давра суҳбатлари ўтказдик.

Суратда: Шарқ тонги маҳалласи оқсоқоли О.Аҳмедов ўз фаоллари билан

Беш йил мобайнида бирор марта жиноий иш ва оилавий ажралишлар юз бермади.

Яқинда саккиз йиллик фарзандсизлик сабабли икки томоннинг келишувига асосан ихтиёрий равишда бир оилани ажратиб қўйишга тўғри келди, холос.

«Қарияларни қадрлаш» йилида 18 ёшгача бўлганларга 1 млн. 766 минг сўм, 2 ёшгача болаларга 1 млн. 391 минг сўм, кам таъминланган оилаларга эса 226 минг сўмлик нафақа ва моддий ёрдам учун маблағ сарфланди.

Бундан ташқари ҳар бир байрам ва тадбирларда, жумладан «Наврўз» байрамининг ўзида ногиронларга 9 минг сўмдан пул, етим болаларга пойабзал, ёзги ва қишки болалар оромгоҳларига йўлланма, ёлғиз аёлларга совға-салом ва озиқ-овқат маҳсулотлари, 26 нафар қарияга тўн кийгизиб, дастурхон ёздик.

Обод маҳалла йилида режаларимиз юксак. Маҳалламиздан ўтган 6 та катта кўчани қайта таъмирлаб, йўлкаларни янгилаш, ҳудудимизга кираверишда арк қуриш, маҳалламиздаги 10 сотихли бўш жойга тадбиркорлар ва ҳашарчилар ёрдамида спорт мажмуаси қуришни мўлжаллаганмиз. Яқинда маҳалламизда вояга етган барча қизлар умумий тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳам бир янгилик бўлди. Ёшларни иш билан таъминлаш, уларга янги иш ўринлари яратиш эса олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Суҳбатдош:
Марям АҲМЕДОВА.

Мулоҳаза

НИКОҲ ҲУЖЖАТЛАРИ

у қандай бўлгани маъқул?

- Никоҳ ўзи нима?
- Ҳамма вақт ҳам никоҳларимиз ихтиёрий розилик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ўтаяптими?
- Келин-куёвларни давлат рўйхатидан ўтказиш (ФҲДЁ бўлими) билан диний маросимлар асосида ўқиладиган никоҳлар ўртасида қандай фарқ бор?
- Улар қай даражада ҳуқуқий асосга эга?
- Никоҳ далолатномаларини тўлдириш ва никоҳ гувоҳномасини такомиллаштириш керакмикан?
- Оилавий ҳаётнинг қонунлари нималардан иборат?

«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади».
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси

Бу саволлар маҳалламиз дарсхонасида бўладиган машғулотлар давомида кўп марта бериладиган саволлардир. Навбатдаги машғулот жараёнида ҳам никоҳ масаласида қизғин мунозара кетди. Маълумки, никоҳ ҳақида Оила Кодексининг қатор моддаларида ҳам аниқ ёзиб қўйилган.

Демак, никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик, ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, вазифалари оила қуриш, фарзанд кўриш, фарзандларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат.

Никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан биридир. Ҳар қандай қўрқитиш, шошириш, алдаш, зўрлик қилиш ёки руҳий таъсир этиш ман этилади. Акс ҳолда жиноий жавобгарликка тортилади. Никоҳ муқаддас нарса. Ҳаётларини бир-бирларига боғламоқчи бўлган ёшлар ёстиқдош бўлгунларига қадар бир-бирларининг одатлари, феъл-атворларини мукаммал ўрганишлари, тиббий кўрикдан ўтишлари зарур бўлади. Фақат ихлос ва муҳаббатлари бир-бирларига кучли бўлган жуфтларнинггина никоҳлари мустаҳкам бўлади. Оила иқболи ва истиқболининг шарти ҳам шундадир. Қачонки, иккала ёш қалби ва юрагидан бир-бирларига ақлан, жисмонан ва руҳан мос эканликларига тўлиқ ишонч ҳосил қилганларидагина Никоҳ ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштирувчи «Бахт уйи»нинг муборак остонасига қадам қўйиш ўринли бўлади.

Машғулотларимизда айниқса, никоҳ тузилганлиги ҳамда гувоҳнома ва унда қайд этиладиган «далолатнома» ҳақидаги масала қизғин мунозара, савол-жавоб ва таклиф-мулоҳазаларга сабаб бўлади. Бу борада кўплаб таклифлар айтилади. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги «Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома»ларимиз кўримли эмас, улар оддий юпқа қоғоздан иборат. Жоиз бўлса, гувоҳномалар энг сифатли қалин қоғозлардан тайёрланса. Муқоваси ҳам қалин бўлиб, устки қисми сифатли мато билан қопланса ва ўртада никоҳ узукларининг акси туширилса. Ички томондаги варақларнинг икки томонига эса келин-куёвнинг суратлари билан ҳозирги «Никоҳ лан, тагига иккала ёшнинг оилавий ҳаётнинг қонунларига риоя қилишлари юзасидан эслатмага ўхшаш даъват ёзилса, мақсадга мувофиқ бўларди.



Бизнингча, шундай бўлганда оилавий ҳаётнинг илк кунлариданоқ ва келажакда ҳам эр-хотинларнинг оила олдидаги масъулият ҳислари кучлироқ бўлади ва қолаверса «бугун уйланиб, эртага ажраша оламан» деган баъзи тўраларча фикр юритувчиларга сабоқ бўлса ажаб эмас. Шунингдек, инсон хотирасида абадий сақланиб қоладиган никоҳни қайд этиш ҳақидаги бундай гувоҳнома келажакда фарзанд ва набиралар учун ҳам жуда муҳим тарбиявий аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Бизда дунёвий никоҳдан ташқари диний-исломий никоҳнинг ҳам амал қилиб келаётганлиги барчамизга маълум. Гарчанд диний никоҳ қонун кучига эга бўлмаса ҳам, у амалда мавжуд экан, унинг ахлоқий, тарбиявий аҳамиятини эътироф этмоғимиз керак. Масалан, никоҳда таъсирли хутба ўқилиб, оилавий ахлоқ ва масъулиятнинг қонун-қоидалари ҳақида никоҳланувчиларга панду насиҳатлар қилинади. Ана шундай хосиятли жараён ҳам Оила ва маҳалла дафтарларида далолатлаштириб қўйилса, айрим оилавий ажримлар осонликча ўтиб кетмасди ва бегуноҳ фарзандлар онаси билан биргаликда уй-жойсиз сарсон-саргардон бўлиб юрмас эди.

Эркин ҒУЛОМОВ,
доцент.

Гафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

АДИБ «буюртмаси»

Бирор халқнинг яшаш шароити билан танишмоқчи бўлсанг унинг бозорларини бориб кўр, деган гап бор. Ўзбек халқининг турмуш тарзи билан танишиш истагида мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам деҳқон бозорларини бориб кўришади.

Бу яхши одатга Ўзбекистон халқ шоири академик Ғафур Ғулом ҳам тўла амал қилар эди.

- Кунлардан бир кун устоз Ғафур Ғулом билан бозор айландик, - деб ёзган эди таниқли шоир Ёнғин Мирзо. - Мавлоно, айниқса Қўқон, Тошкент ва Наманган бозорларини роса таърифладилар.

«Бизнинг бозорлар - Ўзбекистон деб аталмиш жаннатнинг бир бўлаги» дедилар.

«Мендан сенга омонат буюртма, теша тегмаган мавзу шулким, Шарқ бозорлари тўғрисида бир нима ёз! Қасида бўлса ҳам майли, аканг айлансин.

Биласан, боғ таърифини келтиришда аканг қарағайнинг олдига тушадиганлар йўғу... Шундай бўлсаям, буёғини сендек шогирдларимга омонат қолдираяпман.

Бир кун шу бўйнингга юкланган қарзимни узарсан, уйингга буғдой тўлгур!» дегандилар ўшанда.

Шоир Ёнғин Мирзо қиёмат қарзни адо этиш мақсадида «Таъзим азиз тупроққа!» деган қасидани ёзди. Бу ҳароратли поэтик асар қадимий ва навқирон гўзал Тошкентимизнинг ўзига хос мадҳи янглиғ юзага келди.

Эй қадимий момо Шошим:
Шарқ кўкида сайёра,
Бахт-истиқбол бекатисан,
Дилда меҳринг фаввора

деган мисралар билан бошланган бу қасида «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилиб чиқди.

Ўшанда Ёнғин Мирзо Ғафур Ғулом руҳи олдида юзи ёруғ бўлганини таҳририят ходимларига ғоят мамнуният билан гапириб берган эди.

Акбар АЛИЕВ,
журналист.

Андижон вилояти

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИГА МУКОФОТ

Избоскан туманида «Обод маҳалла йили»да соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалла фуқаролари, айниқса ёшларни миллий мафкура, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, ҳуқуқий онги ва билимини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада Одилжон Масаидов номли маҳаллада ташкил этилган халқ университетида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Мазкур университет машғулотларида 35-40 нафардан зиёд маҳалла аҳли ихтиёрий равишда фаол қатнашмоқда.

М.Набиева, И.Азимов, Ш.Қосимов, Ю.Нишонова, М.Яхшибоева каби олий тоифали педагоглар, ҳуқуқшунослар машғулотларни турли усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда таъсирчан ва қизиқарли қилиб ўтказмоқдалар.

Тингловчиларга мавзуларни тушунтиришдан олдин мавзуга доир кинофильмлар намойиши, адабий кечалар ташкил қилиниши натижасида машғулотларга тингловчиларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Маҳалла фуқароларининг ушбу университет ишига қизиқишини ва унинг аҳоли ўрасида тарғиботташвиқот ишларини кенгайтиришдаги самарасини эътиборга олиб, Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан маҳалла халқ университети фаолиятини янада кенгайтириш учун 50 минг сўм пул мукофоти берилди.

Адаҳамжон ОМОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент вилояти

БУНИ МЕҲР-ОҚИБАТ ДЕЙДИЛАР...

Ҳаёт бир хил тарзда давом этавермас экан. Жўжабирдек оиласи билан туппа-тузук умргузаронлик қилиб келаётган Абдурашид Султоновнинг бошига тўсатдан катта кулфат тушди.

Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғида яшовчи серфарзанд бу оиланинг уй-жойи, бор бисоти бир кечада ёниб, кул бўлди. Буни эшитган фуқаролар йиғини бошқаруви раиси А. Расултоев ўз сафдошлари билан шу хонадонга тезда етиб келди. Улар оғир аҳволни кўришгач, дарҳол амалий ишга киришдилар. Халқ вакиллари оёққа турғизилиб, улар орқали қишлоқ аҳлининг ҳамма хонадонларига мурожаат қилинди: кимнинг қўлидан қандай ёрдам келса жафокаш оилага мурувват қўлини чўзсин! Хондайлиқ қишлоқ хонадонларига бирма-бир кирган вакиллар ва бошқа кўнгиллилар рўйхат тузишиб, анча катта миқдордаги ихтиёрий маблағни А.Султоновга тўплаб бердилар. Бундан ташқари, ўз хоҳишидан келиб чиқиб ҳамқишлоқлар хайрия тарзида қурилиш ашёлари ва бошқа турли керакли нарсаларни тортиқ эта бошладилар. Қўлидан иш келадиган усталар эса дарҳол беминнат ёрдамга бел боғладилар. Воқеадан хабар топган оромгоҳларнинг жамоалари ҳам қараб туришмади. Айниқса Йўлдош Очилов раҳбарлигидаги ҳамда Содиқ Қосимов қўл остидаги оромгоҳларнинг ишчи-хизматчилари салмоқли ёрдам бердилар. «Хондайлиқ» ширкат хўжалиги ҳам бу савобли ишга ўз улушини қўшди. Қарабсизки, уч кунда уй тўлиқ қайта тикланди. Навбатдаги қор энди шифер устига ёғди. Буни кўрган бутун қишлоқ аҳлининг кўнгиллари ёқимли бир ҳис билан таскин топди: «Хайрият, ҳалиям меҳр-оқибат бор экан!»

Обод маҳалла йилига мана шундай меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат жуда-жуда ярашади. Буни барчамиз ҳар доимо қалб-қалбимиздан чуқур ҳис этиб яшамоғимиз шарт.

Асад АСИЛОВ.

М.ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат.

Яхшилар ёди

ХОТИРА ТУРНИРИ

Парпи ота Хўжаев номи Поп тумани Ғурумсарой қишлоғида ҳурмат билан тилга олинади. У уста пахтакор, тажрибали деҳқон, зукко раҳбар, Олий Мажлис депутатлигигача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтган камтарин инсон эди.

«Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги республика Президентининг Фармонини ҳаётга татбиқ этаётган Поп туманидаги 13-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Б.Усмонов яқинда бир хайрли ишга қўл урди.

«Обод маҳалла йили»га ҳамда марҳум меҳнат фахрийси Парпи ота Хўжаевнинг хотирасига бағишлаб 1987-1988, 1989-1990 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича мусобақалар ўтказилди.

Хотира турнирида Қозоғистон, Озарбайжон республикалари, Тошкент, Қўқон, Наманган, Марғилон шаҳри, Поп, Чуст, Давлатобод туманлари, Ғурумсарой, Санг, Ҳалқобод қишлоқларининг 12 жамоасидан 186 нафар боксчи куч синашди.

Турнирда 28 нафар ёш чарм қўлқоп соҳиби ўз вазн тоифалари бўйича ғолиб бўлдилар. Ғолиблар медаль ва «Фахрий ёрлиқ»лар билан тақдирланди.

Парпи ота Хўжаевнинг фарзандлари Абдураҳмон, Тўхтасин, Баҳолир, Рустамжонлар ғолибларга, мураббий ва ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб, ўзларининг ҳомийлик ва эсдалик совғаларини тошширишди.

Мўйдин МАТКАРИМОВ

— Маҳаллаларимизнинг том маънода обод бўлиши учун қўл остимиздаги барча имкониятларни ишга солишимиз даркор, - дейди «Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилояти Вобкент тумани бўлинмаси раиси Имом Санақулов (чапдан биринчи) суҳбатдошлари — туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳтоб Шайдоева ва Дўстлик маҳалласи оқсоқоли Нарзулло Файзиевларга.

Аёл журъати

Самарқанд вилояти

БИЛГАННИНГ БИЛАГИ ТОЛМАЙДИ

Маҳаллага бош бўлиш бу масъулиятли ва шу билан бирга шарафли вазифадир. Бу вазифани ҳамма ҳам рисоладагидек қилиб бажара олмайди. Бунинг учун ҳаётий бой тажриба, юқори савия ва ташкилотчилик қобилияти бўлиши керак. Нарпай тумани Оқтош шаҳар Амир Темур номли маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Дилором опа Нўъмонова ана шундай етакчилардан биридир. У маҳаллага олти йилдан буён раҳбарлик қилмоқда. Ҳудудда мингдан зиёд аҳоли яшайди. 1 та лицей, 1 та савдо, 3 та тиббиёт шоҳобчаси, шунингдек, 14 та ошхона фаолият кўрсатади. Туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ва газлаштириш идораси маҳалланинг доимий ҳомийлари ҳисобланади.

— Ҳудудимизда кам таъминланган оилалар сони 12 та бўлиб, биз уларга доимо кўмак бериб турамиз, - дейди опа. - 4 нафар етим болани хатна тўйини қилдик. Қарияларимизга ойида 1 марта бепул чой ташкил қиляпмиз. «Обод кўча» кўриктанлови анъанага айланган. Зирабулоқ 14 та кўча ўртасида ғолиб бўлиб совринли ўринни қўлга киритди. «Ибратли оила» кўриктанловида 3 та хонадон ғолиб бўлди. «Қизлар давраси» мусобақасида маҳалламиз қизлари туманда 1-ўринни эгаллашди. Маҳалламизда «Ёш техник» клуби фаолият кўрсатмоқда. Ўғил-қизларимиз спортнинг деярли барча турлари бўйича шуғулланишади. Маҳалла йиғини 167-сонли милиция таянч пункти билан доимо ҳамкорликда ишлайди.

— Опа туманимиздаги энг илғор маҳалла раисларидан, - деб баҳо берди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Иброҳим Исоқулов.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Таклиф

Фарғона вилояти

ПОСБОННИНГ ФОРМАСИ БЎЛСА...

Амалдаги йилдан эътиборан маҳаллаларга бўлган эътибор янада кучайди. Натижада ишдаги ютуқлар билан бирга йиллар давомида йиғилиб қолган хато ва камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолди.

Шу сабабли мен кўпқаватли уйлардан иборат бўлган маҳалланинг оддий фуқароси сифатида кўнглимда йиғилиб қолган таклифларимни ўртага ташламоқчиман.

Кўпқаватли уйларда битта эшикдан бир неча хонадон аъзолари кириб чиқади. Ишдан чарчаб келган одам кечқурун ўз уйида дам олиши керак. Агар шу уйга битта жанжалкаш оила кўчиб келган бўлса ҳамманинг тинчини бузади. Бу ўринда маҳалла йиғини раисининг қўллай оладиган маъмурий чораси йўқ.

Ҳозирги пайтда маҳаллаларимизга жўда кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу яхши албатта, лекин маҳалла посбонлари сардори шу маҳалла фуқароларидан посбонликка рўйхат тузиб, маҳаллада осойишталикни сақлаш мақсадида маҳалла профилактика инспектори билан бирга доимий иш олиб боради. Шу билан бирга хизмат юзасидан фуқароларнинг уйига боришга тўғри келади. Ҳар қандай оила ҳам оддий фуқаро кийимидаги маҳалла сардорига эшик очавермайди, чунки уни танимаслиги мумкин. Шу сабабли ҳам маҳалла посбонлари сардорининг алоҳида кийими бўлиши керак, деб ўйлайман. Чунки сардор махсус кийимда бўлса, унинг тартиб сақлашига кенг имкон яратилган бўлар эди.

Анваржон ТУРСУНҚУЛОВ.
Қўқон шаҳри.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Шарқона либос шарқ аёлига мос

Маҳалла таянч пунктларида

ЎЙЛАНГАН ИШ ўринсиз кетмас

... Куппа кундуз куни. Кўчадан келаётган гўзал қиз ортидан бир кимсанинг - қарашлари бежо йигитнинг қадам олишларини сезди. Қиз юришини тезлатди, унинг ортидан келаётган йигит ҳам шундай қилди. Қиз қўрқувга тушиб югура бошлади. Йигит ҳам унинг ортидан соядек эргашишда давом этаверди. Демак, йигитнинг нияти бузуқ. Лекин у шум ниятига етолмади. Унинг йўлига маҳаллада фаолият юритаётган сезгир посбонлар ғов бўлишди...

Юқоридаги воқеа бирон бир детектив фильмдан олинган деб ўйламанг. У шу кезларда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» телеканали орқали, тез-тез намойиш этилаётган «Маҳалламиз посбони бор» деб аталувчи клипдаги тасвирлардир. Уларда юқорида ҳикоя қилинган воқеа пойтахтимиз марказида бунёд этилган 20 қаватли бинолар негизида фаолият кўрсатаётган маҳалла посбонларининг кундалик юмушларидан бир лавҳадир, холос.

Хўш, нима учун ушбу видеоклип пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур номли маҳаллада суратга олинди? Бунинг бир қатор айтишга арзирли жиҳатлари бор.

Ҳамма гап шундаки, бу маҳаллада фаолият юритаётган 69-сонли милиция таянч пункти профилактика инспекторлари ишидан аҳоли мамнун. Чунки улар маҳаллада аҳоли тинчлиги ва фуқаролар тотувлиги, барқарорликни таъминлашда кўп ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли хотиржамлигининг бир маромда сақлаб турилишида маҳалла оқсоқоли, бутун умрини ҳарбий хизматга бахшида этган, истеъфодаги генерал Абдуллажон Ортиқбоев бошчилигидаги фаолларнинг баҳамжиҳат, ягона мақсадга қаратилган кенг кўламли ишлари катта рол ўйнамоқда.

- Маҳалламиз оқсоқоли Абдуллажон ака Ортиқбоевнинг ҳар бир ишда бизга талабчанлик кўрсатишлари аҳоли хавфсизлигини таъминлашда, айрим тартиб-бузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда, - дейди 69-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Даврон Пирназаров. - Шундай маҳаллада хизмат бурчимизни ўташ бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Чунки биз ишимиз, хизмат бурчимиз билан «генерал-оқсоқол» олдида ҳам ўзимизни кўрсатишимиз керак-да.

- Мен ҳам худди шундай фикрдаман, - дейди милиция таянч пункти профилактика инспектори Равшан Тўхтаров. - Бизнинг масканимиз пойтахтимизнинг қоқ марказидаги буюк соҳибқирон Амир Темур номли маҳалла ҳудудида жойлашганлигининг ўзиёқ ўз ишимизга нақадар катта масъулият ҳисси билан ёндошишни тақозо этади. Қолаверса элюрт осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлашдан ҳам ортиқ бахт борми ўзи?

Бинобарин, маҳаллада истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб аҳоли ҳам осойишталикни сақлаш борасида ички ишлар ходимларининг фидойи меҳнатини доимо ҳис этиб туришади.

- Милиция таянч пунктида доимо чироқ ёниқ. Демак, профилактика инспекторлари ўз постларида ҳушёр туришибди, - дейди маҳалла оқсоқоли Абдуллажон Ортиқбоев. - Маҳалламизни тинч-осойишта ҳудуд деса арзийди. Буни ўтган йил давомида бу ерда битта ҳам жиноят содир бўлмаганлигидан ҳам билиш мумкин.

Бу ердаги саранжом-саришталик, ободончилик ишлари ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Яна бир гап: Маҳаллада йиғин раисидан тортиб, барча фаолларгача, ҳамма-ҳамма эзгу мақсад йўлида жонбозлик кўрсатмоқда. Айниқса, иш билан банд бўлмаган ёшларни ишга жойлаштириш борасида ҳам таянч пунктb инспекторлари ўзларини кўрсатишмоқда. Улар Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришга ҳаракат қилдилар.

- Осойишталикни сақлаш билан бир қаторда маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани айни муддао бўлмоқда, - дейди маҳалла фаолларидан, таниқли шарқшунос олим Баҳриддин Маннонов. - Шу ўринда Юртбошимизнинг ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, ғуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларни асраб-авайлаш ва энг катта бойлик тариқасида янги келажак авлодларга етказиш хусусида билдирган фикрлари ёдимизга келади. Ҳудудимизда жойлашган марказий кутубхона маҳалламиз фуқароларининг ҳуқуқий билим ва онгларини оширишда муҳим маърифат маскани бўлиб хизмат қилмоқда.

Мақоламиз бошида биз тилга олиб ўтган «Маҳалламиз посбони бор» деган видеоклип тасвирларининг айнан Амир Темур номли маҳалла ҳудудида суратга бежиз тушириламаганлиги сабабини энди англаган бўлсангиз керак.

Солиҳ ЁҚУБОВ.

Суратда: ***Маҳаллада фаолият кўрсатаётган 69-сонли милиция таянч пунктида.***

● Тўй...

КЕЛИН КИЙИМИДА ҲАЁ БОРМИ?

Янги-янги удум ва анъаналар ҳам ҳаётимизга кириб келмоқда. Албатта, бу расм-русумлар ичида миллий ҳаёт тарзимизга мос, ҳаё ва одоб намуналарини ифодоловчи анъаналар билан бирга шарқона ҳаёт тарзимизга зид, беҳуда чиқимликларни келтириб чиқараётган одатлар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири келинларимизнинг никоҳ тўйларида фата кийиб чиқишга муккасидан кетётганликларидир.

Яқинда Урганч шаҳрида ўтказилган тўйлардан бирида иштирок этдик. Ниҳоят, ресторанга (тўй ресторанда бўлиб ўтди) орзиқиб кутилаётган йигитнинг эса бир қанча йиллар орзиқиб кутгани, келинчак кириб келди.

Ажабо, шу топда уни келин дейишга ҳам тил бормасди. Фатада инсон нозик танасини яширадиган деярли ҳеч нарса йўқ. Олд томонидан тик боқишга уяласан. Фатанинг орқа тарафидан ҳам доирадек ўйиб олинган. Тўйга келганлар келинга қандай кўз билан қарашаётганларини ўйлаб кўринг-а. Ахир у ҳамманинг назарида покизалик рамзи бўлиши керак-ку? Айниқса, ёш-яланглари айтмайсизми, кўпроқ отиб олганми "воҳ-еей!!!", деб қичқириб юборди.

Уйга келгач ҳам тўй "таассуротлари"да алламаҳалгача қутула олмадим.

Кишига энг алам қиладиган жойи шундаки, келинни шу таҳлика даврага чиқишига изн берган ота-онаси, ака-укалари, қолаверса, куёвтўранинг маънавияти, дунёқараши боринг-ки, орияти қай даражада эди.

Исмимни ёзмасангиз, сизга бир гапни айтақолай, - деди бир оқсоқол. - Бу мавзу олдин ҳам бир кўтарилган эди. Маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг таъсири билан келинларимиз никоҳ тўйларида миллий ёки унча очиқ бўлмаган кийимда чиқишлари яхши анъанага айланаётганди. Лекин, ўзлари фалон жойда ишловчи казо-казолар қизларининг раъйини қайтаришга ҳамма ҳам журъат эта олмади. Натижада, бу одат яна урчиб кетди.

Маҳалламизда топиш-тутиши яхши оилалардан бири яқинда қизини узатди. Келиннинг миллий либос кийиб даврага чиқишини таклиф қилдик. Тўй эгаси рози бўлди. Лекин эртасига "сал илгарироқ огоҳлантирмабсизлар, фатанинг пулини тўлаб қўйишган экан", - деб баҳона қилди. Ичкаридан, хотининг "маҳалласига бориб хўжайинлик қилсин, менинг уйимда эмас. Келиб-келиб мени қизим алмисоқдан қолган матохни кийиб даврага чиқарканми!" - деган дий-диёси эшитилиб турарди.

Ўша тўйда аксига олиб, келиннинг фатасини шундай модалаштиришдики, унга қараш-дан киши уяларди.

Хуллас, айрим ёшларимизнинг тўйларда расм қилиб олаётган ортиқча қилиқларига чек қўйиш пайти етди. Токи, келин деган масъулиятли ва муқаддас туйғу шаънига доғ тушмасин. Уларнинг либосларидан тортиб, даврада ўзини тутиб ўтиришларигача юксак ахлоқ, масъумлик, садоқат ва меҳр-муҳаббат нури балқиб турсин!

Қодир МУЛЛАЕВ

● Эй, сиз одамлар, эссиз одамлар...

ЙЎҚОЛГАН ТИЛЛА УЗУК...

У топилгунча қанча қалблар вайрона

Қариганингда бирор еринг оғридими, беҳуда ўйлар ҳар томонга олиб қочади, хаёлларингни. Очиғини айтадиган бўлса, узоққа қиз бериш Ўғилой опанинг фикрича ғирт аҳмоқлик. Не қилсинки, қизларининг хоҳиши, яна аниқроғи улар тақдирига қарши тура олмади. Бугун қизларининг бири Андижонда, иккинчиси Хоразмда. Биқини санчгудек бўлса хаёли қочиб уларнинг жанозага етиб келишларини ўйлаб қолади. Ундан кейин...

Бу ҳақда ўйлаш аслида гуноҳу, қизларинг орқангдан дод солиб қолгани билан тобутингни тўрт поясидан кўтариб мозорга бормаса, гўрингга етти бел тупроқ ташлаб, тепалаб қўммаса бекор экан. Тўғри, уларнинг ўрнида куёвлар боришади. Ношукурлик бўлмасин-у, ўз ўғлингнинг ўрни бошқа-да.

Биттагина ўғли, бағригинасида келини бўлганида жонидан азиз, синглисидек бўлиб кеттан қўшниси Ҳидоятхон билан ҳам шу даражада юз кўришмас бўлиб кетмасди. Ҳидоятхон ҳар куни неча бор қўлига нимадир кўтариб «қалайсиз, опажон», деб ўтарди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб кўнгил ёзишарди. Ўша қуриб кетгур узук воқеасидан кейин шундай жон қўшниси қарийб бегона бўлиб кетди. «Ўттан ишга саловат» деб узр сўради, тавалло қилди, негадир ўртадаги олдинги илиқлик сира қайтмади.

Аслида воқеа бундай бўлганди.

...Ўғилой опанинг эски касали хуруж қилиб қон босими кўтарилиб кетди. Оғриқ кучайиб типирчилаб қолди. Олдида тирик жон йўқ. Аксига олгандек чоли ҳам қандайдир юмуш билан чиққан эди. Бир зумда жон-ҳоли қолмади. Шундан кейин ҳушидан кетибди, нима бўлганини сира эслай олмайди.

Ўзига келса, икки қизи кўз ёш тўкиб тепасида турибди. Касалхонада экан. Ўша куни Ҳидоятхон бўлмаганида Ўғилой опанинг ўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Ҳидоятхон аввалига шошиб қолди. Сўнг катта қизи Наврўзойнинг нариги кўчадаги дўхтирникига чоптирди.

Ўғилой «жонлантириш хонаси»да етти кун ётди. Сўнг уни палатага ўтқазишди. Кунлар ўтган сайин оёқларига мадор кириб аста-секин юра бошлади. Хуллас, оғир кунлар ортда қолди.

Кунлардан бирида қизи Санобархон билан гаплашиб ўтириб ҳамиша қўлидан тушмайдиган тилла узуги эсига тушиб кетди.

- Узугумни бирор ерга олиб қўймадингларми, қизим? - деб сўради Санобархондан.

Аввал «Йўқ, кўрмадим-ку, онажон» деб қўйди бепарвогина. Сўнг нималардир хаёлига келиб, кўзлари бир нуқтага қадалганча «Нима бало, онам мендан бирор нарсани гумон қиляптиларми» дея ўйланиб сўради:

- Касалхонага келганингизда узугингиз қўлингизда эдими?

- Қизиқ саволлар берасанда, қизим. Жон талвасасида ётганингда узук кўзингга кўринармиди. Қўлимга қараб туриб оқарган ўрнини кўрдим-у, ҳозиргина хаёлимга келди.

Бир зумда узук катта гапга, ташвишга айланиб кетди. Сўралмаган, гумон қилинмаган одам қолмади. «Дўхтирлар-ку бундай пасткашлик қилишмас, ҳамширалардан ҳамма нарсани кутиш мумкин» дейишди, баъзилар. Шунақа воқеаларга ўч, сўраб-суриштириб ҳеч кимнинг фикри билан ҳисоблашмайдиган Ўғилой опанинг иккинчи қизи Санобархон ўзича хулоса ясади. «Бу қўшнимиз Ҳидоятхоннинг иши, бошқача бўлиши мумкин эмас. Онам ўзларидан кетганларида ёнларида ким бўлган? Қўшнимиздан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Аҳволларини кўриб фурсатдан фойдаланган. Тешиб чиқади, ана кўрасизлар!»

Ўғилой «Бўлган иш бўлди, жонингдан ҳам афзалми ўша узук ўлгур, соғлигингни ўйла» деб ўзига таскин берарди-ю, бирпас ўтмасдан яна «Ҳидоятхоннинг шунчалик пастлиги»ни ўйлаб уни сира кечира олмасди. Қизлари ҳам «дард устига чипқон» дегандай гапни нуқул узукка боғлаб эски дардни қўзғашарди.

- Шайтон ҳам қўшнингизнинг қўлига сув қуйолмайди, - дерди Санобархон. - Қаранг, гўё ҳеч нарса бўлмагандек қунора келиб хабар олади-я. Соғлигингизни гўрда ўйлайдими? Нима гап бор экан, сезишмаганмикин деб атайин келади.

- Бировни яна беҳудага айблаётган бўлмайлик, қизим, - дейди қўшнисининг беғараз ёрдамларидан кўплаб манфаат кўрган, унинг очиқ кўнгил, меҳрибон аёл эканлигини неча бор синаган она.

- Ана шунақасиз-да, - онасининг юзига тик қараб жеркийди қизи. - Кўнгилчанлик ҳам эви билан-да, онажон.

Ўғилой опанинг туғилган куни баҳона бўлди-ю қизлар гапни бир ерга қўйиб, онамизнинг кўнгиллари кўтарилар деб қўшилишиб атайин тилла узук совға қилишди. Миннатдор бўлди-ю, аммо кўнглидаги безовталик сира тарқамади. Онасидан, онасига эса момосидан қолган узукнинг ўрни бошқа эди-да.

Гап бир ерда турармиди, бўлиб ўтган сўзлар, гумонлар Ҳидоятхоннинг қулоғига етди. Касалхонадан келганда қўшнисининг, қизларнинг қандайдир типирчилаб қолиши, имо-ишораси, қолаверса, уларнинг муомаласидан аллақачонлар нималарнидир сезганди, Ҳидоятхон. У бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмади, айттулик гапми ахир, аламини ичига ютди. Тўйиб-тўйиб йиғлади. Кўнгли бироз бўшашгандек бўлди-ю, юрагининг тагида пайдо бўлган тош кетмади. Кетмаса ҳам керак, бу яқин ўртада. Келин бўлиб тушгандан буён суянчиғи ҳам, қувончи ҳам ана шу қўшниси - Ўғилой опа бўлди. Унга шунчалик меҳр қўйгандики...

Ўғилой опа бир ойдан ошиқроқ ётди касалхонада. Уйига келгач ҳам муолажани маълум вақт давом эттирди. Ҳидоятхон икки девор орасида қолди. Ўтиб ҳол-аҳвол сўрашни ҳам, «Йўқолсин, шунча маломатларга қолдим» деб қўл силтаб кетишини ҳам билмайди. Хаёлида айримлар уни кўрганда «ўл бу кунингдан» дегандек лаб буриб, бурун жийириб ўтадигандек туюлди. Одамларнинг қай бирига дардини достон қилиб, арзи ҳол айтади.

Ҳидоятхон «сўрамасам одамгарчиликдан бўлмас» деган ўйда атайин хамир ёйиб, қат-қат сомса қилди. Каттагина товоққа териб, бир чеккасига эри «қизингнинг сарпосига яратасан» деб олиб келган қимматбаҳо узукни ҳам оқ рўмолчага ўраб қўйди. Босган қадами нуқул орқага кетса ҳам юзини қалинликка олиб қўшнисиникига ўтди. Саломалик ҳам, ҳол-аҳвол сўрашиш ҳам совуққина бўлди. Бирпас ўтириб ўрнидан тезгина тура қолди.

Ўғилой қизлари келгач бу воқеани уларга айтди. Уларнинг ҳар бири унга ўзларича баҳо бериб, ўзларича хулоса қилишди. Санобархон буни эшитиб, айниқса, ловуллаб ёнди.

- Аҳ-ҳа, охир бўйниларига олибдилар-да, баттар бўлсин, бировнинг молига кўз олайтургунча.

Меҳр кўзда бўлади, дейдилар. Илгарилари бир кунда ўн кўришмаса туролмайдиган, тайёрлаган овқатларидан қўшнилари татимаса суяклари жойига тушмайдиган қўшнилар тобора узоқлашиб, бегоналашиб борарди. Кунлар ўтиб борган сайин меҳр пардаси тундлашар, бегоналик аломатлари сезиларди. Ҳидоятхон ҳам, Ўғилой опа ҳам бир-бирларини қўмсар, ўртадаги музни эритиб илгариги оловни алангалатгилари келарди. Афсуски, нимадир бунга йўл қўймас, халақит берарди.

Афсуски, лўлаболишнинг ичига кириб қолган ўша узук ҳадеганда топилавермаяпти. Қачон Ўғилой опа ёстиқларни ювиш учун уринаркан... Бунгача эса анча вақт керак.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

● Тарихдан тарқалган тадқиқот

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

Навоий «Ғўрўғли»ни тинглаган...ми?

Кунларнинг бирида мен улуғ шоир Навоийнинг «Бадоеъул-бидоя» девонини мутолаа қилар эканман, унда қуйидаги матлага дуч келдим:

Тушда сарву гулдин ислаб бирни, кучдим бирини.

Айлагил, эй сарви гулрух, бу тушим таъбирини.

Бу байтда шоир ошиқ номидан бир кечаси тушида боғни айланиб юриб, гўзал сарв дарахтига ва анвои гулларга дуч келганини, бу учрашув унга жуда хуш келиб, улардан бир гулни ислагани (яъни ҳидлагани)ни, сарвни эса қучоқлаб олганини баён қилмоқда. Сарв ва гул тимсолида эса у гўзал ва ёқимли икки маъшуқани кўзда тутмоқда.

Ошиқ уйқудан уйғонар экан, бундай туш тасодифий ва беҳикмат эмас, - деб ўйлаб, уни таъбирлаб беришни ўз севгилисидан илтимос қилган. Бу ажабтовур ҳодисага ёри қандай муносабатда бўлгани ғазалда кўрсатилмаган.

Аммо мен ёшлигимда, «Ғўрўғли» туркумига кирган достонларни буюк шавқ-завқ билан ўқиб юрган чоғларимда «Юнус пари ва Миско́л пари» достонининг бошланиш қисмида Ғўрўғлибекнинг йигирмага тўлиб, йигирма бирга қадам қўйганда, куч-қуввати ошиб-тошиб, тенгқурлари билан ўйнаб-кулгани, улфатчиликнинг мазасини тушуна бошлагани, йигитлик ҳиссиётлари жўш ура бошлагани тўғрисида қуйидаги каби сатрларга кўзим тушган эди:

«Шу кеча тушида бири Ой бўлса, бири Кун; бири гул бўлса, бири ғунча; бири асал бўлса, бири шакар - Осмон билан Ернинг оралиғида Юнус пари билан Миско́л парини кўрди. Бири ўнг ёғида эмиш, бири чап ёғида... Бировнинг сочи бўралиб, Мағрибга тушган эмиш, бировнинг сочи бўралиб, Машриққа тушган эмиш. Ғўрўғлибек қайсисини аввал қучоқласам экан? - деб, ҳайрон эмиш. Ғўрўғлибек икки қўлини икки ёққа ҳалеб сермар эмиш» («Райҳон араб. Юнус ва Миско́л пари», Тошкент, 1994, 42-43-саҳ.).

Бу сатрларни Навоий ғазалидаги шеърий мисралар билан қайта-қайта қиёслаб ўқиб, ўзимга ўзим дедим: - «Албатта, Навоий бу - «Ғўрўғли» туркумига кирган достонларни ўқиган, ўқимаган бўлса, достончи халқ бахшиларидан бир эмас, бир неча марта эшитган. Улардаги ҳаётий сатрлар эса унинг қалбининг тўридан бир умрга жой олган ва улар шоир шеъриятида ўз акс садосини ҳам бериб турган. Бирдан ортиқ маҳбубани, хусусан икки маҳбубани бирдан севиб қолиш, баробар кўриш мавзуси эса адабиётдаги қадимий мотивлардан бири бўлиб, унинг Навоий шеъриятидан ҳам ўрин олганлиги тасодифий ҳодиса эмас. Навоий эса бу масалага лоял қарагандай. Чунки шоир яшаётган даврда ҳаётнинг ўзида ҳам қўшхотинлик масаласи учраб турар ва қораланмас эди.

Халқ достонлари билан боғлиқ яна бир масала.

«Маҳбубул-қулуб» асарининг хотима қисмида Навоий муаллиф сифатида ўз панд-насиҳатларига якун ясар экан, у ғоят донишмандлик билан ўз китобхонларига умрнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқасини қадрлаш, кўпроқ ўтмиш ёки келажак ҳақида эмас, балки бугунги кун ҳақида ўйлаш, қайғуриш зарурлиги тўғрисида маслаҳат берган ва бу тўғрида қуйидаги байтни биттан:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам.
Не учунким, - дам бу дамдур, дам бу дамдур,
дам бу дам.

Нақадар гўзал!

«Ғўрўғли» туркумига тегишли «Райҳон араб» достонида эса биз Ғўрўғлибекнинг Холжувон деган янгасига қараб айтган шеърий мурожаатида қуйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин:

Дам бу дамдур, - ўзга дамни дам дема;
Арабнинг отидан отим кам дема.
Бир чопсак, етамиз Така-Ёмитга.
Ора йўлда қоламиз деб ғам ема...

Демак, аёнки, Навоий ўз давридаги «Ғўрўғли» туркумига оид ва бошқа ўзбек халқ достонларидан яхши хабардор бўлган, уларнинг шавқи-завқи билан ҳам яшаб, ижод қилган. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки у доим халқ орасида яшаган. Бизнинг вазифамиз эса Навоий ижодининг ўзбек достончилигига доир масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш ва бундан янги хулосалар чиқаришдан иборатдир.

Мусобақа якунланди





Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» анъанавий халқаро турнири ниҳоясига етди.

Олтинчи маротаба ўтказилган «Мустақиллик кубоги»да АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Германия, Грузия, Қатар каби ўндан зиёд мамлакатдан келган икки юзга яқин спортчи бош совринни қўлга киритиш учун беллашдилар.

● Умрбоқий ёдгорликлар

КЕШ КОШОНАЛАРИ

Кеш-Шаҳрисабз туркий заминимизнинг йирик маданий, маърифий, меъморчилик, ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлган. Амир Темур бу шаҳарга алоҳида эътибор бериб, кенг кўламда бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Кўплаб мадраса, масжид, мақбара, ҳаммом, карвонсаройлар, бозорлар, Чорсу савдо расталари, ҳунармандчилик корхоналари қурдирган.

Мадрасаларда илоҳиёт билимлари билан бирга, илми аруз, тарих, фалсафа, риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, илми ҳайъат каби дунёвий билимларни ўрганишга шароитлар яратди, Шаҳрисабзни мусулмон илмининг марказига айлантирди. Шу боисдан ҳам кейинчалик бу шаҳарни «Илму дониш гумбази» деб бежиз номлашмаган. Амир Темур Шаҳрисабзда ҳашаматли, бир-биридан гўзал бинолар барпо этгач «Агар шаён-шавкатимизга шубҳа қилсанг, иморатимизга боқ» деган сўзларни бино деворига ўйиб ёздириб қўйди. Шаҳрисабзда қурдирган Оқсарой мажмуаси ўз ҳашамати ва маҳобати билан Соҳибқирон унинг деворига ўйиб ёздирган сўзларини тасдиқлаб, ҳанузгача бутун жаҳон аҳлини ҳайратга солиб турибди.

Афсуски, бу тарихий меъморий обидалар Чор Россияси ва Шўро замонларида эътибордан четда қолиб, бизгача вайрона ҳолда сақланиб келди. Аждодларимиз бунёд этган бу обидаларни таъмирлаш, ўрганиш ва уларни сақлашга эътибор берилмади. Натижада улар аста-секин нураб, вайронага айлана бошлади.

XIX асрнинг 80-90 йиллари ва XX асрнинг бошларида маҳаллий зиёлилар, маърифатпарварлар, ўлкашунослар тарихий биноларни тиклаш, таъмирлаш, ўрганиш ва сақлаб қолиш учун озроқ маблағ зарурлиги ҳақида ўлка генерал губернатори Самсоновга мурожаат қилганларида у «Ўрта Осиёдаги қадимий маданиятни ўрганиш ва ёдгорликларни сақлаш фойдасизгина эмас, балки зарарли, ёдгорликлар қанча тез йўқолса шунча яхшидир» деб жавоб берган.

Собиқ шўро замонида Шаҳрисабздаги меъморий обидаларни таъминлаш ишларига жуда оз маблағ ажратилган. Тарихий биноларнинг талайгина қисми турли сабабларга кўра бузиб ташланди, ундаги қурилиш материаллари талон-торож қилинди.

Мустақилликка эришилгач, маданий меросимизга бўлган муносабат бутунлай ижобий томонга ўзгариб, уларга эътибор кучайиб, қонун йўли билан давлат назоратига олинди. Тарихий обидаларнинг атрофларини ободонлаштириш, таъмирлаш ва асраш ишларига давлатимиз ҳар йили юз миллионлаб маблағ сарфламоқда. Қадимий Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик юбилейи арафасида шаҳарни ободонлаштириш ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишларига 2 миллиард 964 миллион сўм ажратилди. Бунинг натижасида шаҳардаги меъморий обидалар таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди. Соҳибқирон Амир Темур Шаҳрисабзда қурдирган нақшинкор тарихий меъморий обидалар Шарқ ва Ғарбда қадимдан маълум ва машҳур бўлган. Бугунги кунда қайта яшарган, бир-биридан гўзал бу тарихий биноларни томоша қилган ҳар бир сайёҳ ёхуд меҳмонлар лол қолади.

Қанчадан-қанча кишилар назарига тушган бу бебаҳо ёдгорликлар 2000 йилда ЮНЕСКОнинг «Бутун Жаҳон мероси» рўйхатига киритилгани фикримизнинг исботидир.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Олам турфа

ТЕЗ ОММАЛАШГАН САРТАРОШХОНА

Парижда ажойиб сартарошхона мавжуд.

Шу нарса маълумки, кўплаб сартарошлар иш пайтида ўз мижозлари билан гаплашишни ёқтирмайди, айримлари эса аксинча кўп гапиришади. Мижозлар ҳам худди сартарошларга ўхшаб икки тоифа. Шунинг учун ҳам салон эгаси камгапларга алоҳида ва сергап, спорт, сиёсат, оилавий аҳвол билан қизиқувчи, ёлғоняшиқлар ишқибозларига атаб эса алоҳида хоналарни жиҳозлаган. Мана шу ишлар туфайли сартарошхона ҳозир жуда оммавийлашиб кетган.

ТЕЗРОҚ ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ НАРХИ ПАСАЯДИ

Париждаги аёллар оёқ кийимлари дўконларидан бирида қизиқарли янгилик пайдо бўлди.

Бундан буён харид қилинаётган буюмлари учун 10 дақиқадан кам вақт сарф этган харидорга шу буюмнинг нархи 10 фоиз камайтириб сотилади.

«БЕЛГИСИ» БОРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Латвияда маст ҳолда автомобил ҳайдаган кишининг машинаси анча вақтгача белгили бўлиб юради.

Бундай автомобилларга «П...ЛТ» деган алоҳида сериядаги вақтинчалик рақам берилади. Бу номер тақиб юрилган пайтда эски номер белгиси ДАНда туради. Бундай «тамға»ли автоҳаваскорнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган бўлса, номер белгиланганидан икки баравар узоқ муддатда туради. Мабодо, гувоҳнома олинмай жарима тўланса, унда айбдор шу номер билан ўз машинасини икки йилгача ҳайдаб юради. Одамлар эса бу сериядаги машинани кўришлари биланоқ янада эҳтиёткор бўладилар. Бунинг тарбиявий чораси анча яхши бўлмоқда. Эстонияда ҳам ичкилик ичган ишқибозларга қарши бу усулда кураш анчадан бери амалга оширилиб келмоқда.

Билмасангиз, билиб олинг!

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) истеъмолчига сифатсиз маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) натижасида келтирилган зарар учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги конунидан

Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилояти бўлими Асака шаҳар Асака ва Истиқлол маҳаллалари фуқаролари йиғинлари раислари **Шукуржон ЭГАМБЕРДИЕВ** ва **Фозилжон ЮСУПОВ**ларнинг вафоти муносабати билан уларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН

Джабборов Зафар Марсович номига С.Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан берилган 0520056 рақамли патент йўқолганлиги муносабати билан **бекор қилинади.**

Қўйлиқ—7 мавзесида жойлашган **АЕҚШ** шоҳобчаси сотилади. **Мурожаат учун телефон: 92-47-71**

Сайдахматов Баходир Хамзаханович номига 1994 йилда Тошкент автомобил йўллар институти томонидан берилган 017416 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Сахифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ

Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Хатлар бўлими: 136-57-62.

8415 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-208 Топширилди 23.00